2012 йил 9 март, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 48 (12.109)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



(ЎзА) олган сурат

## ОИЛА ЧИРОЙИ ВА ЧАРОҒБОНИ

***Хабар берилганидек, «Туркистон» саройида 7 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.***

Юртимизда баҳор нафаси сезила бошлаган айни кезларда гўзал аёлларимиз байрами – Халқаро хотин-қизлар кунининг нишонланиши ўзгача мазмун-моҳият касб этади. Бу айём, азиз аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрнига мос равишда, катта шоду хуррамлик билан кенг нишонланади.

Мустақиллик майдонида қад ростлаган ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи – Бахтиёр она ҳайкали юртимизда хотин-қизлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигининг, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

7 март куни хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар ушбу монумент пойига гуллар қўйдилар.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда турли соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, нуроний онахонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов очди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, қобилиятларини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижроси хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланган «Соғлом она – соғлом бола» мақсадли дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар дунё ҳамжамиятида катта ҳайрат ва ҳавас уйғотмоқда. 2011 йили Тошкентда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда ҳам бу Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда)

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан иқтидорли қизларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти истеъдод соҳибалари сафининг янада кенгайиши, уларни янгидан-янги ижодий марралар сари руҳлантиришда муҳим омил бўлмоқда.***

## ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ МУНОСИБ ИЗДОШЛАРИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан «Обод юртнинг бахтли қизлари» мавзуида ўтказилган маърифий тадбирда бу жиҳатлар яна бир бор ўз тасдиғини топди. Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида бўлиб ўтган тадбирга 2012 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ топилган қизлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари М.Орифжонов, халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши бошқаруви раиси Б.Ғаниев, Сингапур менежментни ривожлантириш институти ректори Ф.Ризаев ва бошқалар ёшларни соғлом ва баркамол, буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши эканини таъкидлади. Бу жараёнда, айниқса, истеъдодли қизларни ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу маънода Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши адабиёт, фан, таълим, маданият, санъат каби йўналишларда изланаётган истеъдодли қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенг жамоатчиликка, халқимизга яқиндан таништиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур мукофот соҳибалари бугун деярли барча соҳаларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 28 февралда қабул қилинган 2012 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржани ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ саноатчилар форумлари, аввалги йиллардагидек, икки босқичда ўтказилади – 2012 йилнинг март-июнь ойларида ҳудудий ва тармоқлар кўргазма ҳамда ярмаркалари, октябрь ойи охирида эса Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа бўлиб ўтади.***

### Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа олдидан

## ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Тадбирлар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш доирасида ҳамда 2009 йил 1 декабрда имзоланган «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига биноан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, шунингдек, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари бу йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ташкилотчилари ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни фаол давом эттириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантиришни жадаллаштириш, шунингдек, республикамиз ишлаб чиқарувчилари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали замонавий, диверсификациялашган ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда.

Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамай, бутун дунёда ислоҳотларнинг «ўзбек модели» сифатида кенг эътироф этилган ривожланиш моделининг изчил ҳамда аниқ мақсадга қаратилган ҳолда амалга ошириб келинаётгани натижасида Ўзбекистонда, дунёдаги кам сонли мамлакатлар қаторида, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсиш суръатлари сақланмоқда.

Ўтган йили ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари амалда 8,3 фоизни ташкил қилди, 2000-2011 йилларда эса ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баравarga ошди ва Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича дунёнинг жадал ривожланиб бораётган давлатлари қаторидан ўрин олган. Саноат тармоғида ишлаб чиқариш 6,3 фоизга ўсди. 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткичнинг 24,1 фоизга етгани мазкур соҳадаги таркибий ҳамда сифат ўзгаришларидан далолатдир.

Саноат маҳсулотлари умумий ўсишининг қарийб 70 фоизи юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган тармоқлар ҳиссасига тўғри келади. Иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини диверсификация қилиш экспорт ҳажми, турлари ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди ва бунинг натижасида экспорт ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга ошди.

Иқтисодиётнинг саноат тармоғини ривожлантиришда саноат кооперациясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Саноат кооперацияси иқтисодиётни жадал ва барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнига янги, самарали технологияларни жорий қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шу асосда замонавий, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, валюта ресурсларини тежаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этиш, ички бозорда товарлар ва хизматлар барқарорлигини мустаҳкамлашни таъминламоқда.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг мунтазам фаолият кўрсатадиган ташкилий қўмитасида таъкидлашларича, саноат ярмаркаси ва кооперацион биржанинг асосий вазифаси – хўжалик субъектларига ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида янада кенгроқ маълумот бериш, шерикларни излаб топиш ва ўзимизда тайёрланаётган маҳсулотларни етказиб бериш бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузишга кўмаклашишдан иборат.

Ушбу бўлиб ўтажак тадбирлар иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг зарур хомашё ва кредит ресурсларидан эркин фойдаланишига кўмаклашади, узоқ муддатли хўжалик алоқаларини шакллантириш ҳамда кенгайтириш учун бозор инфратузилмасини ташкил этиш имконини беради.

Ахборот алмашинуви ва тақдимотлар асосида янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун кооперация алоқалари ўрнатилиб, кенгайтирилади, ишлаб чиқариш учун зарур хомашё ва материаллар, ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги бутловчи ҳамда тайёр буюмларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузилади. Корхоналар саноат тармоқлари эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, янги ишлаб чиқаришлар ва бозорда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ривожланиш истиқболларини, ўз фаолияти йўналишларини аниқ белгилаб олиши, жорий йил охиригача ўзи ишлаб чиқарадиган товарлар, шунингдек, экспорт қилинадиган маҳсулотлар учун буюртмалар портфелини тўлдириши мумкин.

Ўтган йили Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада дунёнинг 58 давлатидан хорижий фирма ҳамда компанияларнинг 850 нафардан зиёд вакили қатнашган эди. Улар мамлакатимизнинг 1030 дан ортиқ корхона ва компанияларининг павильон ҳамда стендларида бўлажак харидорларга таклиф этилган хилма-хил маҳсулот ва хизматлар билан танишди. Шунингдек, форумлар доирасида бўлиб ўтган корхона ва тармоқларнинг тақдимот маросимларида уларнинг техник ҳамда технологик имкониятлари кенг намойиш этилди. Бу иштирокчиларга ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги мавжуд муносабатларни кенгайтириш ҳамда янгиларини ўрнатиш имконини берди. Тадбирларда ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва ускуналарни етказиб бериш ёки сотиб олиш бўйича шартномалар тузилди. Мамлакатимизнинг барча истеъмолчилари буюмлар, қайта ишланган хомашё ва материалларни қўшимча тендерлар ўтказмасдан, тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиб олди.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида Ватан ҳимояси, халқ тинчлиги ва осойишталигини сақлашдек шарафли вазифани адо этаётган хотин-қизлар иштирок этди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида кириб келаётган Наврўзи оламга бағишланган «Куй ва қўшиқ ҳамрозлиги» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Баҳор гулчечаклари» мавзуида тадбир ўтказилди.

✓ **ЯККАСАРОЙ** туманидаги «Қушбеги» маҳалласида уюштирилган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ишларига бағишланган ҳашар «Обод масканим орасталиги» шиори остида ўтди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Нукусда Ўзбекистон экологик ҳаракати Қорақалпоғистон ҳудудий бўлинмаси ва Нукус Давлат педагогика институти ҳамкорлигида «Қорақалпоғистон Республикасида экологик муаммоларни ҳал этишда ёшларнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**
- **Тошкент Давлат аграр университетида агро-тижорат ихтисослигидаги касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари учун «Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш — ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг устувор йўналишлари» мавзусида бир ҳафталик ўқув-семинари ташкил этилди.**
- **«Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан «Ўзбек киноси: муаммо ва истиқболлар» мавзусида ижодий конференция бўлиб ўтди. 2011 йилда яратилган фильмлар муҳокамасига бағишланган тадбирда республика Маънавият тарғибот маркази, «Ўзбеккино» агентлиги раҳбарлари, кино арбоблари, Тошкент Давлат санъат институти талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**
- **Урганч суратлар галереясида байрамлар муносабати билан турли мавзудаги кўргазмалар ташкил этиш хайрли анъанага айланган. Халқаро Хотин-қизлар байрами олдидан ташкил қилинган навбатдаги суратлар кўргазмаси аёлларга бағишланди.**

### ЖАҲОНДА

- **Кеча Швейцариянинг Базель шаҳрида соатларнинг халқаро кўргазмаси очилди. Унда 41 мамлакатнинг 200 дан ошиқ соат ишлаб чиқарувчи компаниялари иштирок этмоқда. Кўргазмада энг қиммат экспонат Швейцариянинг «Убло» компанияси томонидан платинадан ясалиб, кўплаб бриллиантлар билан безатилган соат бўлиб, унинг қиймати 5 миллион доллар атрофида баҳоланмоқда.**
- **Малида исёнчиларнинг қуролли ҳужуми натижасида 170 минг киши ўз уй-жойларини ташлаб, хавфсиз жойларга кўчди.**
- **Кеча Хитойда 5,8 балли зилзила содир бўлди.**
- **Германиянинг Эссен шаҳрида ноқулай об-ҳаво шароити сабабли кичик самолётнинг қулаши оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмди, яна бир қанча одам бедарак йўқолди.**
- **«Simens» компанияси Грециядаги можарони бартараф этиш учун 120 миллион евро миқдоридаги маблағни тўлашини маълум қилди.**
- **Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штатида юзага келган сув тошқини ўн беш мингга яқин кишини турар жойини тарк этишга мажбур қилди, яна икки мингдан зиёд одам қутқарувчилардан ёрдам кутмоқда. Мамлакатнинг олтмиш мингга яқин аҳоли истиқомат қилувчи Уогга-Уогга шаҳрида фавқулодда ҳолат эълон қилиниши кутилмоқда. Бир неча кундан буён тинмаётган ёмғир шаҳардаги Маррамбижи дарёсида сув сатҳининг кескин кўтарилишига сабаб бўлаётир. Минглаб аҳоли хавфсиз ерларга кўчирилмоқда.**
- **Доғистондаги милиция постида террорчи-камикадзе аёл томонидан амалга оширилган портлаш натижасида тўртта полициячи ҳалок бўлди, икки нафари оғир жароҳат олган ҳолда касалхонага ётқизилди.**

# ОИЛА ЧИРОЙИ ВА ЧАРОҒБОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутади. Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, спортнинг қизларимизга мос турлари жадал ривожланмоқда.

Хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш мақсадида ушбу байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўқувчи-қизларга махсус спорт кийимлари топширилди. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган ушбу тадбир мамлакатимиздаги минг-минглаб қизларга муносиб байрам туҳфаси бўлди. Зеро, бу дунёнинг ҳеч бир мамлакатида мавжуд бўлмаган, халқимизнинг бетимсол қадриятларига уйғун эзгу ва ноёб анъанадир.

Энг муҳими, бу хайрли иш қизларда спортга иштиёқни оширади. Бу келгусида спорт билан шуғулланувчилар сафининг янада кенгайишига, уларнинг соғлом, бақувват ва мустаҳкам иродали бўлишига ҳамда баркамол авлодларнинг дунёга келишига хизмат қилади.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан таълим муассасаларида ташкил этилаётган «Ораста қизлар» тўгараги ўқувчи ва талаба қизларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти билан таништириш, уларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, ўз саломатлигини асраб-авайлаш учун шахсий масъулиятини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, соғлиғини сақлаш, оғирини енгил қилиш йўлида кўплаб чора-тадбирлар белгиланган.

Дастурга биноан, жорий йилда кичик бизнес ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобига аёлларимиз учун 240 мингта янги иш ўрни яратилади. Уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида уч минтақавий Бизнес-инкубатор фаолияти йўлга қўйилади, бизнес-форумлар, семинарлар ташкил этилади. Фертиль ёшдаги аёллар ва қизларни комплекс тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш қамрови янада кенгаяди.

– Ушбу байрам тадбирига йиғилган, юртимизнинг турли ҳудудларидан келган ҳар бир хотин-қизнинг юзида мамнуният ифодасини кўриш мумкин, – дейди ЎзА мухбирига Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, «Шухрат» медали соҳибаси Арофатхон Усмонова. – Бу уларнинг жамиятда ўз ўрнини топгани, фарзандлари камолини кўраётгани, оиласи мустаҳкам ва фаровонлигидан далолатдир.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар қизга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари – Наманган давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Меҳриноз Аббосова, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Шоҳида Зоҳидова ва бошқалар хотин-қизларни жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Сарой фойесида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Бадиий академия, «Ҳунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида бадиий, ҳунармандчилик ва касаначилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Анвар САМАДОВ**

# ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ МУНОСИБ ИЗДОШЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қорақалпоқ давлат университетининг педагогика факультетида жисмоний тарбия йўналиши бўйича билим олаётган Замира Алиева жорий йилда ушбу нуфузли мукофотга сазовор бўлди. Болалигидан каратэ билан шуғулланадиган Замира 2007-2008 йилларда Малайзияда ўтган халқаро мусобақаларда икки олтин ва бир кумуш медални қўлга киритди. Италиядаги халқаро мусобақада эса кумуш ва бронза медали билан тақдирланди. Хитой, Болгария, Голландия сингари давлатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда ҳам Замирага омад кулиб боқди.

– Ўзбекистонимиз – бахтиёр ёшлар мамлакатидир, – дейди З.Алиева. – Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор ҳар бир ёш учун янгидан-янги, улкан имкониятлар яратмоқда. Бундай юксак эътибор ва ишончга муносиб бўлиш бизнинг чин фарзандлик бурчимиздир. Мамлакатимизда қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида олиб борилаётган ибратли ишлар ҳар бир қизнинг ўз саломатлиги учун масъулиятни ҳис этишга, янада фаолроқ бўлишга ундамоқда.

Зулфияхоним қизлари иштирокида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилган учрашувда мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳалардаги бетимсол ислоҳотлар мустақил ва соғлом тафаккурли авлодни вояга етказишга йўналтирилгани таъкидланди. Ёшларда юксак маънавиятни тарбиялаш улар онгу шуурини миллий менталитетимиз учун ёт ва бегона зарарли ахборотлар оқимидан, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоялашда муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбир қатнашчилари Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган замонавий «Маърифат маркази», бу ерда жойлашган Миллий кутубхонада яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, қулайликлар билан танишдилар.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг жорий йилги соҳибаларидан яна бири Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Муҳайё Аҳмадова. У 2011 йили Голландиянинг Амстердам шаҳрида математика фани бўйича бўлиб ўтган 52-халқаро олимпиадада махсус сертификатни қўлга киритди.

– Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ҳамда Симпозиумлар саройини ўзида мужассам этган бундай муҳташам «Маърифат маркази»нинг қад ростлаши илм-фан, таълим-тарбия, маънавият соҳаси фидойилари, айниқса, биз, ёшлар учун Президентимиз томонидан яратилаётган улкан имкониятларнинг амалдаги ифодасидир, – дейди М.Аҳмадова. – Юртимизда бошқа соҳалар каби аниқ фанлар, инновация, ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда.

Тадбир қатнашчилари шоира Зулфияхоним ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Семинарлар

# КУН ТАРТИБИДА — ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда пойтахт ҳокимлиги ҳамкорлигида «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.***

Анжуманда бир нечта мавзулар юзасидан маърузалар тингланиб, ҳар бир маърузадан сўнг иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари эшитилди ва тегишли хулосалар чиқарилди.

Семинар-тренинг кун тартибидаги масалалар долзарб бўлиб, жумладан, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш» концепциясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ва депутатларининг роли» мавзусида Олий Мажлис Сенати қўмитаси раиси Содиқ Сафоев сўзга чиқди. Шунингдек, семинар давомида «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқининг моҳияти тўғрисида» халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси Мурот Икромов, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ижро этилиши ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар доимий комиссияларининг қарорлари маҳаллий босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини ўрганиш» мавзусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияларга ёрдам берувчи Тошкент шаҳар ишчи гуруҳи раҳбари Фарида Абдураҳимова, «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларини тайёрлаш ва ўтказиш, қабул қилинган ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари» бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутати Акмал Раҳмонов, «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари ишини ташкил этиш ва улар томонидан қабул қилинган қарорлар ижро этилиши устидан назоратни олиб бориш» мавзусида Тошкент шаҳар Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Шавкат Иргашев, «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш ҳамда уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги масалалари» юзасидан Фуқаролик жамиятини шакллантиришни мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар бўлинмаси раҳбари Дониёр Аюповнинг маърузалари тингланди.

Сўзга чиққанлар маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари томонидан чиқариладиган қарорларнинг мазмун-моҳияти ва уларни кенг оммага етказишнинг муҳим томонлари, бу масалага жиддий эътибор қаратиш лозимлиги, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг камолоти йўлида барча шарт-шароитларни яратишнинг мамлакат келгусидаги тараққиётидаги аҳамияти, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш» концепциясида белгиланган устувор вазифалар ва уларни ҳаётга татбиқ этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва депутатлар ролининг тобора ошиб бориши, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасида биринчи навбатда эътибор қаратилиши лозим бўлган ва бошқа муҳим масалалар хусусида атрофлича тўхталиб ўтдилар.

Тадбир сўнгида кўриб чиқилган масалалар юзасидан якуний баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳаёт Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржага бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда. 2010 йилда ушбу тадбирларда 715 хўжалик субъекти қатнашган бўлса, 2011 йилда уларнинг сони 1030 дан ошди. 2010 йили тузилган шартномалар ҳажми 2,6 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, ўтган йилги ярмарка ва биржада умумий қиймати 3,5 триллион сўмликдан ортиқ шартномалар имзоланди.

Бундан ташқари, хорижий валютада ҳам шартномалар тузилди. Чунки, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада хорижий фирма ҳамда компаниялар вакиллари фаол иштирок этиб, мамлакатимизда тайёрланган маҳсулотларни хорижга етказиб бериш бўйича тегишли шартномалар тузди. 2011 йилда қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларидан ортиқ шартномалар тузилди. 2010 йилда бу кўрсаткич 2,7 миллиард долларни ташкил қилган эди. Ўтган йили ўтказилган форумларни 70 мингдан ортиқ киши келиб кўрди, уларнинг доирасида бўлиб ўтган 62 тақдимот маросимида 5,2 минг нафардан зиёд киши иштирок этди.

2011 йилда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа якунлари ҳамда ҳудудий ва тармоқлар кўргазмалари натижалари мамлакатимиз корхоналари ўртасида саноат кооперацияси тобора чуқурлашиб бораётганини, саноатнинг етакчи тармоқлари ва кичик бизнес вакилларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда ўз маҳсулотларини етказиб бериш, техник эҳтиёжларни ўрганиш, бозорда харидоргир янги товар ва буюмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш борасидаги мавжуд имкониятларни кенгайтираётганини кўрсатди. Шунингдек, хорижий шериклар билан инвестицион-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида ҳам катта истиқболлар очилмоқда.

Ҳукуматимиз қарорида белгиланганидек, жорий йилда тегишли вазирлик ва идоралар, жойлардаги ҳокимият ҳамда бошқарув органлари 2012 йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг бўлажак қатнашчилари – хўжалик бирлашмалари, компаниялар, фирмалар ва корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини, аввало, ишлаб чиқариш кооперациясини янада ривожлантириш ва мамлакатимизда тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилиш учун маҳаллийлаштириш лойиҳаларини қандай амалга ошираётганига қараб, қатъий мезон асосида танлаб олади.

«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компаниясида барча иштирокчиларга кўргазма майдонлари имтиёзли шартлар асосида тақдим этилади. 2012 йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа дирекцияси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ҳудудий ва тармоқлар саноат ярмаркалари давомида намойиш этиш учун улар тўғрисидаги ягона ахборот базасини янгилайди. Мамлакатимиз саноат маҳсулотларининг каталоги ҳам чоп этилади. Шуни қайд этиш лозимки, бу йил ўтказиладиган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада турдош илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳам иштирок этиб, ишлаб чиқарувчиларга янги технологиялар ишланмалари, кооперация алоқаларини ривожлантириш доирасида талаб этиладиган маҳсулотларни таклиф этади. Шубҳасиз, бундай кўптомонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**



***Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Осиё» ресторанида халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган «Аёл оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони» номли тадбир ўтказилди. Тадбирга туман фахрий аёллари, нуроний онахонлар, ободонлаштириш бўлими ходимлари, якка-ёлғиз қариялар ҳамда ўқувчи-талабалар таклиф этилди.***

# ХУШ КАЙФИЯТ УЛАШИЛДИ

— Бугунги кунда ўзбек аёлининг жамият, давлат ва оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги фаоллигини, унинг эл-юрт эъзозида, иззат-ҳурмати ҳамда ғамхўрлигида эканлигини кундалик ҳаётимизда чуқур ҳис қилиб келмоқдамиз. Буларнинг барчаси юртимизда аёлларга қаратилаётган ғамхўрлик, эътибор ва ҳурмат натижасидадир, — дейди Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова.

Тадбир давомида иштирокчилар қизиқарли викториналар, дилтортар куйлар, қизиқ ҳангомалар ва саҳнавий чиқишларни мириқиб, томоша қилдилар.

Санъат усталари, эстрада хонандалари даврага янада хуш кайфият бахш этиб, барчани рақсга чорладилар.

Тадбир сўнгида бир гуруҳ фахрий аёлларга эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Даврон НУРМАТОВ**

# НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

***Юртимизга янгиланиш фасли баҳор кириб келиб, кўнгиллар қувончга тўлди. Бу нафис фасл ўзи билан бирга бир қатор байрам тадбирларини ҳам олиб келди. Ана шундай байрамлардан бири Халқаро хотин-қизлар куни – 8 март жойларда кенг миқёсда нишонланмоқди.***

Учтепа туманидаги 28-сонли мусиқа ва санъат мактабида ҳам Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган «Нафосат байрами» тадбири бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, таниқли рассом Алишер Мирзо, Миробод тумани Нуронийлар кенгаши раиси Ботир Усмонов ва Учтепа тумани ҳокими ўринбосари Наргиза Каримовалар сўзга чиқиб, тадбир ташкилотчилари бўлган «Нишабариқ» маҳалласи хотин-қизлари ҳамда бугунги кунда униб-ўсиб келаётган ёш авлодга санъатнинг барча йўналишлари бўйича билим бераётган 28-сонли мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчи аёллари шаънига кўплаб илиқ сўзлар айтишди, оналарни мадҳ этувчи шеърлар янгради. Ёш санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури барчага кўтаринки кайфият улашди. Дастурхон атрофига йиғилган хотин-қизлар дилтортар куй-қўшиқ, рақс ва шеърлардан баҳраманд бўлишди, тадбир ташкилотчилари уларга анвойи гулларни тақдим этишди.

Тадбир сўнгида «Нишабариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собиржон Туропов маҳалла йиғини аъзолари номидан йиғилганларни Халқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ўқиш ва ишларида улкан муваффақиятлар тилаб, эсдалик совғаларини топширди.



**Отабек ОТАЁРОВ**

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Қарор ва ижро

# ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Ёнғинлар катта моддий зарар етказиб, кўпинча одамларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Шу сабабли уларнинг олдини олиш муҳим вазифа ҳисобланади. Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ушбу соҳада юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, «тилсиз ёв»нинг олдини олиш ҳамда бартараф этишга доир самарали, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ва техник асосланган воситаларни ишлаб чиқиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг етакчи мутахассислари, давлат ва жамоат ташкилотлари, компаниялар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган мазкур анжуман ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишда уларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга хизмат қилади.

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ю.Турсунбоев, Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи И.Йўлдошев ва бошқалар ёнғин чиқиш ҳолатларини камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, бу жараёнда кенг жамоатчилик иштироки ҳамда ушбу соҳанинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, жумладан, ёнғинларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича янги воситаларни ишлаб чиқиш масалалари хусусида тўхталди.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида ёнғин хавфсизлиги хизматининг инсон, давлат ва жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарадорлиги ошди.

Жойларда ёнғинлар сонини камайтириш, уларни ўз вақтида олдини олиш ва бартараф этиш, одамларни қутқариш, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг моддий-товар бойликлари, мол-мулкини сақлаб қолиш чоралари кўрилмоқда. Ички ишлар вазирлиги томонидан Ёнғин хавфсизлиги давлат хизмати кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, мутахассисларнинг малакасини ошириш, шахсий таркиб хизматни ўташи учун қулай шарт-шароитлар яратиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

– Мамлакатимиз ёнғин хавфсизлиги тизимига ёнғинни ўчириш бўйича жаҳон стандартларига мос замонавий воситалар ва техника жалб этилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Техника хавфсизлиги олий мактаби профессори, техника фанлари доктори Бахтиёр Мавлонқориев. – Мактабимиз ушбу соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда янги техника воситаларини, шу жумладан, ёнғин манбаларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун автоматлаштирилган ускуналарни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ҳам амалга оширмоқда.

**С.ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ТЎЙ ВА МАРОСИМЛАР – ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ КЎЗГУСИ...

## Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳамкорлигидаги давра суҳбати

***Дарҳақиқат, тўйларимиз – маънавиятимиз кўзгуси. Уларни миллий анъаналаримизга мос ва хос, ихчам ва батартиб ўтказиш йўлида барчамиз якдиллик билан ҳаракат қилмоғимиз лозим. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ўринли фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилмоқда. Айниқса, газетамизнинг 2012 йил 25 январь сонида чоп этилган «Тўй ва маросимлар – қадриятларимиз кўзгуси...» сарлавҳали мақола ҳамшаҳарларимизда катта қизиқиш уйғотди. Ҳозир жойларда ушбу мақола юзасидан учрашувлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.***

***Яқинда шаҳар ҳокимлиги, «Оқшом» газеталари ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида шаҳар Кенгаши депутатлари, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари, зиёлилар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда қатнашган ҳамшаҳарларимиз ана шу долзарб мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва қалб сўзларини баён этишди.***









**Фарида АБДУРАҲИМОВА,**

**Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Қадриятларимиз қадрланиб, тўй ва маросимларимизнинг тобора сайқал топиб бораётгани, албатта, ҳаётимизнинг гўзал воқелиги саналади. Тўй ва бошқа маросимларимизнинг ортиқча ҳашамларсиз, камтарона ўтишини таъминлаш, эндигина бунёд бўлаётган навниҳол оиланинг негизини мустаҳкамлаб бориш масалаларига жиддий эътибор қаратишимиз лозим.

Айниқса, бугунги куннинг энг оғриқли нуқтасига айланган тўйларни кимўзарга ўтказиш, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйиш, миллий ўзлигимиздан чиқиб кетиш ҳоллари жамиятимиз ҳаётига доғ бўлиб ёпишмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш эса сизу бизнинг ҳамкорлигимиз, ҳамфикрлигимизга боғлиқ.

Бугунги кунда шаҳримизда 750 мингдан ортиқ оила истиқомат қилади. Шуларнинг 15 фоизини ёш оилалар ташкил этмоқда. Давлатимиз томонидан ёшларимизнинг бахтли, фаровон ҳаёти учун барча имкониятлар яратилаётган бир пайтда арзимаган баҳонайи сабаблар боис айрим оилалар бузилиб кетмоқда. Хўш, бунинг илдизлари нимага бориб тақаляпти? Бунга ким айбдор? Ота-онами? Маҳалла-кўй ёки оилада етарлича тарбия ололмаган ёшларимизнинг ўзларими? Ёхуд ортиқча исрофгарчилик, дабдабабозлик ва кимўзарга пойга чопаётгандек орқа-олдига қарамай тўй қилаётганларми? Оғриқ тишларни вақтида суғуриб ташлаб қутулганимиздек, бу иллатларга ҳам ўз вақтида барҳам бермасак, жамиятимизда нуқсонлар кўпаяверади.

Ҳаётда учраётган иллатларга барҳам бериш мақсадида шаҳар ва 11 та туманда, 476 та маҳаллаларда баобрў, ҳаётий тажрибага эга отахонлар, кайвони онахонлар, зиёлилар, фан, адабиёт ва санъат намояндаларидан иборат жамоатчилик Кенгаши иш бошлади. Кенгаш аъзолари томонидан тўй ва маросимларни тартибли, намунали ўтказиш бўйича тавсиянома чоп этишга тайёрланмоқда. Ўйлаймизки, кенг жамоатчиликдан «қуён қочиб қутулолмайди», албатта.

**Жавдат ИНОҒОМОВ,**

**Ўзбекистон «Маҳалла» жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси:**

– «Тўй ва маросимлар – қадриятларимиз кўзгуси. Улардаги номанзур ҳолатларга чек қўяйлик!..» мақоласи ўз вақтида ёзилган, долзарб мавзуни кўтарган, муҳим масалаларни ўртага қўйган чиқиш бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашам ва маърака-маросимларни тартибга солиш билан боғлиқ масалаларга бағишлаб 1998 йил 28 октябрда қабул қилинган Фармонларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан маҳаллаларда кўплаб ишлар амалга оширилди. Аммо, шунга қарамай, ҳашаматли тўйлар қилаётган, маъракаларни кимўзарга ўтказаётган фуқароларимиз ҳам учраб турибди.

Барчамизга аён, тўй ва бошқа маросимларимиздаги ортиқча сарф-харажатлар кўпчиликка ёқмайди. Кимдир қийналмайди, лекин кўплар қарздор бўлади. Биз ўтган асрнинг 80-йилларида ўтказилган тўйлардаги тадбирларни имкон қадар ҳисоблаб чиқишга ҳаракат қилдик. Ўша пайтларда биргина тўй доирасида 42 тагача турли тадбирлар ўтказилар экан. Тўғри, бугунги кунда улар камида 20 тага камайган, аммо ҳали-ҳануз исрофгарчиликка йўл қўйиш, манманликни намойиш қилиш ҳоллари мавжуд. Оила – муқаддас. Уни турли нигоҳлардан асраш, миллий қадриятларимизни янада юксалтириш – айнан тўйларимиз билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳамкорликда, бамаслаҳат тўй ва бошқа маросимларимизни ихчам ва батартиб ҳолга тушириш барчамизнинг олдимиздаги энг долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

**Маҳмуд АСОМОВ,**

**«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси:**

– Тўй – дунё мамлакатлари нигоҳида ўзлигимизни намоён қиладиган, анъаналаримизни намуна тарзида кўрсатиб берадиган жараён. *Қайси бир элнинг қандай яшаётгани ва ўз урфларига эҳтиром ва ҳурматини кўришни истасак, ўша мамлакатнинг тўй ва маросимларини кузатиш керак,* деган эди алломалардан бири.

Тўйларнинг чиройли, мўъжаз ва ихчам ўтишида, айниқса, ёшларимизнинг ўрни – катта. Бу борада «Камолот» ЁИҲ ҳам ўзига хос ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бинобарин, ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олиш, тўйларни ихчамлаштириб, уларни гўзал анъаналаримиз билан бойитиб боришимиз даркор. Умид қиламизки, саъй-ҳаракатларимиз ўз мевасини бериб, мустақил диёримизда ўтказилаётган тўйлар келажакда бошқа мамлакатлар учун ҳам ҳақиқий намуна бўлади. Келажаги порлоқ, истиқболи ёрқин ёшларимиз эса, бир ёқадан бош чиқариб, меъёрий тўй-тантаналар ўтказишга ҳисса қўшиши лозим.

**Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА,**

**Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:**

– Олим Маҳмудов мақоласида тўй-маросимларимиздаги кўр-кўрона тақлидчилик тўғри танқид қилинган. Баъзилар бирон масаланинг таг-тубини суриштириб ўтирмай, бошқаларга билиб-билмай эргашиб кетаверишга мойил бўлиб қолгандай.

Албатта, ҳар кимнинг топиш-тутиши – ҳар хил. Чунончи, баъзилар бойлигини кўрсатгиси келади ҳам. Аммо тўй-маросимларда бойваччалик қилишнинг ёмон тарафи бор: бошқалар ҳам шундай қилишга интилиб қолади, сизнинг «ҳотамтойлигингиз» бемаъни расм-русумга айланиб кетади.

Бу – қолоқлик ва тор ўйлаш белгиси.

**Ўлмас ШУКУРОВ,**

**Яккасарой туманидаги «Ракат» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:**

– Кундузлари соат 11 да бошланадиган ошларимиз амалда одамларнинг нақ 4 соат вақтини олаётгани мақолада тўғри кўрсатилган. Ош баҳона олтиндан ҳам қиммат вақтимиз бекор кетаётганини кам ўйлаймиз. Ҳолбуки, халқ мақолида айтилганидек: *«Вақтинг кетди – нақдинг кетди».*

Ростини айтганда, тўйларимизда «антиқа вальсни» тарғиб қилаётганларнинг бундан кўзлаган мўмай даромади бор. Бу, аввало, ана ўшаларга керак. Миллий маънавиятимиз билан, сарф-харажат кимдан кетаётгани, бундай янги-янги одатлар орқасидан тўйчилар қай аҳволга тушиб қолаётгани билан неча пуллик иши бор уларнинг?!

Бу борада масъулиятни фақат маҳалланинг гарданига юклаб қўйишдан фойда чиқмайди. Кўпчиликнинг ҳамкорликдаги бамаслаҳат саъй-ҳаракатлари натижа бериши мумкин.

**Аброр БЕРДИЕВ,**

**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси матбуот бўлими бошлиғи:**

– Тўй миллий қадриятларимизни ўз ичига қамраб олган маросимларимиздан биридир. Тўйлардаги баъзи бир ҳолатларни кўриб, рости дилимиз ранжийди. Ахир, бу не-не умидлар билан бахтли бир оиланинг барпо бўлишига хизмат қилаётган улуғ кун ҳисобланади-ку? Нега уни шовқин-суронли дискотека майдонига айлантиришимиз керак? Бундан ташқари, керагидан ортиқ даражада очиқ-сочиқ кийинаётган келинларимизни қандай тушунишимиз лозим? Исрофгарчиликларни айтмасам ҳам бўлади. Майли, ўзига тўқ оилаларда дабдабали қилиб тўй ўтказишга имконият бордир, аммо маошга рўзғор тебратадиган оилаларнинг фарзандлари бу тўйларни кўриб, кўнгли ўксимайдими? Мактабда, коллежда бир хил тартибда кийинадиган ёшларнинг кейинги тақдиридаги ўзаро фарқ уларга таъсир қилади, оқибатда қандай йўл билан бўлмасин шундай дабдабали тўй қилишни улар ҳам исташади. Шу тариқа тушунмовчиликлар, дилхираликлар юзага келади.

**Нуриддин ЖАЛОЛОВ,**

**Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:**

– Мақолани ўқиб чиқиб, *худди кўнглимдаги гапларни ёзишибди*, деб ўйлаб қолдим. Кўпдан бери тўй ва маъракаларимиздаги маросимлар, урф-одатлар ҳақида бош қотираман. Ўзбек халқи бағрикенг, саховатли бўлиб, қадимдан топганини эл билан бирга баҳам кўради. Менимча тўй-ҳашам, маъракаларни ихчамлаштириш, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Тўй-маросимларни ўтказиш» комиссиясида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш керак ва улар масъулиятини ошириш керак.

Мақолада кўтарилган пул қистириш иллати ҳақидаги талаб менга жуда маъқул тушди. Ҳозир даврани олиб бораётганларга ҳам пул қистириш бошланиб кетган. Ахир, даврага тўда-тўда бўлиб чиқиб, хонанда, раққоса ё даврани олиб бораётган кишига пул қистиришимиз маънавиятсизлик белгиси эмасми?

**Жасур РАУПОВ,**

**Тошкент шаҳар бош имом хатибининг ўринбосари:**

– Тўй-маросимларимиздаги исрофлар – кони гуноҳ. Меҳнат-машаққат билан инсон истеъмоли учун етиштирилган ноз-неъматни увол қилишнинг жавоби бор.

Мен бу мақолада келтирилган айрим амри-маъруфларда сўзни чўзиб юборадиган, давра аҳлининг умумий савиясини ҳисобга олмай гапираверишлар борлигига қўшиламан. Тўй маънавиятини, маросимларимизнинг муқаддас динимиз талабларига мос бўлишини таъминлашга ҳамма бирдай масъул, албатта. Аммо бу борада биз – имом хатибларнинг масъуллигимиз икки карра кўпроқ. Чунки тўйларимиз замирида ҳам, маросимларимиз замирида ҳам қадриятларимиз мужассам. Шуни ҳеч қачон унутмайлик!

**Эътибор СУЛТОНОВА,**

**«Олима аёллар« уюшмаси Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари:**

— Дарҳақиқат, тўй-маросимларни баъзан аёлларимиз, баъзан фарзандларимиз, баъзан маҳалла-кўйнинг кўнгли деб дабдабабозликка айлантираётганимиз ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Бу борада миллий меросимиз бор. Шуни ўрганиб, тарғиб қилишни изчил йўлга қўйишимиз керак. Тўй-маросимларимиз миллий одобимиз доирасида ўтказилиши лозим. Шундай экан, мен барча зиёлиларимизни шу ўта муҳим масалага бефарқ қарамасликка чорлаган бўлар эдим. Очиғини айтганда, бу борада барча мутасадди ташкилотлар бирлашиб, бир мақсадга интилиб саъй-ҳаракатлар олиб бориши керак. Маҳалла, таълим, маънавият тизимлари, «Камолот» ЁИҲ, хотин-қизлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, бошқа кўплаб жамоат ташкилотларини тўй-маросим маънавияти учун бирдай масъул деб ҳисоблайман.

**Севара НОСИРОВА,**

**Саломатлик ва тиббий статистика институти бўлим мудири:**

– Бирон-бир тўй ёки маросим хотин-қизларнинг иштирокисиз ўтмайди, албатта. Шу жиҳатдан олганда, хотин-қизлар қўмитасининг вазифалари сирасига бевосита тўй-маросимларни тартибга солиш, бу борада миллий, умуминсоний анъаналарга мос талабларга эришиш ҳам киради.

Тўғри, бу мураккаб ва бир-икки ташкилот аралашуви билангина ҳал бўлиб кетаверадиган муаммо эмас. Аммо ечилмайдиган масала ҳам эмас. Бу борада кўнгилдагидек ҳолатга эришиш учун ҳаммамиз қўлни қўлга бериб, астойдил ҳаракат қилишимиз керак.

Менга қолса, тўйнинг ўзида сўз олиб, обрўли кишиларимиз тўйларимиздаги яхши анъаналарни тарғиб қилиши, камчиликларни ҳам ўрни-ўрни билан айтиб, тушунтириб бораверишига керак.

Тиббиёт ходими сифатида яна бир нарсани айта оламанки, никоҳ тўйларидаги 6-7 хил овқатларни истеъмол қилиш инсон саломатлигига жиддий зарар етказади. Шунингдек, ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига ҳам сабаб бўлади, албатта.

**Талъат АКБАРОВ,**

**«Наврўз» ресторани директори:**

– Мен ўзим турли жамоат ташкилотларида ишлаганман. Тўйларимизнинг маънавий жиҳатдан юксак даражада, иқтисодий жиҳатдан эса камчиқим ўтиши тарафдориман.

Ресторанимизда ортиғи билан 350 кишилик жой бор. Мен шахсан никоҳ тўйи учун 300 кишини ҳам кўп деб ҳисоблайман. Агар тўй эгаси 250 кишига буюртма берса, столлар ҳам бемалолроқ жойлашади, меҳмонларга сифатли хизмат қилиш учун имконият ҳам кенгаяди.

## Бугуннинг гапи

Бизда тўй ўтказиш бўйича кўп йиллик тажриба тўпланган. Сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган тавсияларимиз бор. Масалан, тўйда салатларни камайтириш, дастурхонга ҳам керакли ноз-неъматларни қўйиш мумкин. Очиғини айтганда, тўйдан кейин ортиб қолган ноз-неъматларни ташлаш уволдан бошқа нарса эмас.

Шиоримиз битта: оз бўлсин-у, соз бўлсин.

**Муҳаммаджон ЗУФАРОВ,**

**«Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси:**

– «Нуроний» жамғармаси бевосита тўй-маросимларни тартибга солиш масаласига ҳам катта ҳисса қўшиши керак. Шунда жамиятда нуронийларнинг ўзига хос ўрни билинади.

*«Бир каттанинг, бир кичикнинг гапига кир»,* – деган ажойиб мақолимиз бор. Худога шукр, ёшларимиз ҳали нуронийлар гапини қайтарадиган даражага боргани йўқ. Биз зийрак турсак, тўй эгалари амал қилади, албатта. Тўйларимизда исрофгарчиликнинг, дабдабабозлик ва манманликнинг олди олинади.

**Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,**

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ходими:**

– Биз – ёшларнинг зиммамизда ҳам анчагина масъулият бор. Ота-оналаримизга ҳар томонлама ёрдам беришимиз лозим. Тўйларни рисоладагидек ўтказишда, авваламбор, келин ва куёвнинг фикри бир жойдан чиқиши даркор. Икки томон қудалар ҳам маслаҳатлашиб, тўй харажатларини камайтиришлари керак. Агар ортиқча пуллари бўлса ёш оилага бирон жойга бориб, дам олишлари учун йўлланма олиб берсинлар. Ўнталаб санъаткорни тўйга айтишнинг нима кераги бор? Ўзим ҳам яқинда турмушга чиқдим. Тўйимизни маслаҳатлашган ҳолда ортиқча чиқимларсиз – оддийгина қилиб ўтказдик. Бундан иккала томон қудалар ҳам мамнун бўлишди. Асосийси – тўй тўйдек ўтди. Шу ўринда яна бир масала хусусида тўхталиб ўтишни истардим. Келинлар кийимлари салонларида ҳам либосларнинг миллий қадриятларимизга мос бўлишига эътибор қаратилса кўнгилдаги иш бўларди.

Бугунги кунда «Камолот» ЁИҲ бу борада ёшлар ўртасида кўплаб тадбирлар ташкил этмоқда. Ўйлаймизки, нафақат тўйларимиз, балки бошқа маросимларимиз ҳам келгусида ортиқча исрофгарчилик ва дабдабаларсиз ўтади. Бунинг учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб иш олиб боришимиз шарт.

**Саодат ЙЎЛДОШЕВА,**

**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти профессори, фольклоршунос олима:**

– Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов каби санъаткорларимиз битта тор ва дутор билан тўй ўтказишган. Ҳатто, кам таъминланган оилаларга тўйдан тушган пулларни тўёна қилиб ташлаб кетишган. Бугунги кунда-чи? Санъаткорлар бирровга келишади, жонли овозда куйлашмай, шундай дискни қўяди-да, фонограммадан ҳеч уялмай фойдаланаверишади. Бунинг олдини олиш, артистларнинг бирровга фалон сўмга келиши масаласини «Ўзбекнаво» ёки Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тегишли бир дастур асосида кўриб чиқса, яхши бўларди.

Ундан кейин келин ижарага оладиган кўйлаклар масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак. Биринчидан, шу кўйлакларнинг нархи – минг доллардан юқори. Бу ҳам майли-куя, балки уни қандайдир касали борлар кийган бўлиши ҳам мумкин-ку. Нега бу ҳақда ўйламаймиз? Кимки ҳиммат қилмоқчи, элга қайишмоқчи, ўзини кўрсатмоқчи бўлса, марҳамат, кам таъминланганлар, жисмоний жиҳатдан имконияти чекланганлар бор, Меҳрибонлик уйлари, мактаб, коллеж, лицейларимиз бор, янги иш жойлари яратишнинг минг бир йўли мавжуд. Шуларга қайишайлик. Тўй-маросимни катталаштириб юборишимиз орқамиздан бошқаларни ҳам шундай қилишга мажбурлаб қўйиши мумкин.

Тўй-маросимлар борасидаги кўпдан-кўп ишлар, асосан, аёлларнинг даъвати, орзу-ҳаваси билан юз беради. Албатта, орзу-ҳавас – барчамизга хос фазилат. Аммо унинг меъёри ҳам бор-да. Демак, биз – зиёлилар жамоатчилик билан ҳамжиҳатликда тўй-маросимлар борасида меъёрни таъминлашни, исрофгарчиликка, дабдабабозликка, манманликка йўл қўймасликни ўз зиммамизга олишимиз керак.

**Муаззам ҲАСАНОВА,**

**Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳалла оқсоқолининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиси:**

– Тўйдаги санъаткорларнинг кўплигига қаршимиз, санъаткорга пул қистиришларни йўқ қилиш керак. Энг муҳими, тўй-маросимларни маҳалла фаоллари назорат қилиши керак. Тўй эгалари билан алоҳида суҳбатлар уюштириш, ортиқча чиқимларнинг олдини олиш, керак бўлса, тўй қилаётган кам таъминланган оилаларга баҳоли қудрат ёрдам бериш зарур. Ёшларнинг кийиниш маданиятини, айниқса, келинларимиз кияётган жуда ҳам очиқ либосларни маромига келтиришни обдан ўйлаб кўрсак, яхши бўлар эди, албатта. Тўй эгалари йиллаб йиққан маблағларини бир кунда сочиб ташлашади. Тўғри, орзу-ҳавас, деймиз, бироқ шунча исрофгарчиликдан кейин ёшларимиз бахтли яшасалар – айни муддао, аммо бир-икки ой ўтмасдан қайнона-келин можаролари бошланиб, ҳатто, ажралишгача боришлари – оғриқли...

* * *

**«Тўй ва маросимлар – қадриятларимиз кўзгуси» мавзусида ташкил этилган давра суҳбати қизғин мулоҳаза, мунозара ва баҳсларга бой тарзда ўтди. Ечимини топмаган оғриқли саволлар, исрофгарчилик, манманлик оқибатида юзага келаётган турли можаролар, келинлик ибосига ярашмайдиган очиқ либослар, ўзларини юлдуз санаб, биргина қўшиқни ҳам жонли овозда куйламай, бирровга келиб-кетаётган санъаткорлар, ғарб маданиятини тарғиб қилаётган дискотека ўйинлари, борингки, ўзбекнинг тўй-маросимларига доғ тушираётган барча иллатлар юзасидан очиқ фикрлар билдирилди.**

**Умид қиламизки, бу иллатларни бартараф этишда барча ҳамшаҳарларимиз, маҳалла-кўй, мутасадди ташкилотлар ҳамкорлик, ҳамқадамлик ва бирдамлик билан иш олиб боради ва келгусида кўзлаган ниятимизга эришамиз.**

Давра суҳбатини **Гулчеҳра ДУРДИЕВА** ва **Мурод ҲОШИМОВ** ёзиб олди

